# МУСТАҚИЛЛИК — ЯККАЛАНИШ ЭМАС

(Давоми. Боши 1-бетда).

**қа пойтахтларидаги асосий эҳтиёж молларига бўлган нарх-навони босиб чиқаришади. Бу маълумотларда биздаги аҳвол яхшидай кўринади. Бунга нима дейсиз?**

— Гапингизни тушундим. Ахборотнинг етарли эмаслигида Бош вазир ўринбосари сифатида менинг ҳам айбим бор. Бизда энг кам иш ҳақи 11 минг 250 сўмни ташкил қилади. Бу МДҲ мамлакатлари ўртасида энг юқори кўрсаткич. Бизга қандай айб қўйишяпти? Россияда ўртача иш ҳақи Ўзбекистондагидан бир неча марта баланд, дейишяпти. Бу гап тўғри. Аммо, биз миллионлаб пул топадиган бойваччалар турмушининг ўртача даражаси билан ҳисоблашмаймиз. Биз Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир кишининг эҳтиёжини тўла қондиришга ҳаракат қиляпмиз. Республикада ҳар бир киши иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинган. Бошқа республикаларда уятдан ерга қараганча қўл чўзиб турган одамларни кўрганингда юрагинг ачишади. Уларнинг бошига бундай қисматни ким солди?

Гап иқтисод тўғрисида кетар экан, мен Ўзбекистондаги вазиятни беморнинг операциядан кейинги ҳолати билан таққослагим келади. Ҳа, таназзул юз берган, хавфли белгилар пайдо бўлган эди. Ҳозир инқироз ортда қолди. Олти ой ичида сўнгги пайтларда биринчи марта миллий бюджетда салбий кўрсаткичдан қутилганимизга диққатингизни алоҳида қаратмоқчиман. Ҳа, бироз таназзул бўлган эди. Аммо, у атиги 1,5 фоизни ташкил этди. Бу салбий ҳол МДҲ мамлакатларидан олиб келинадиган хомашёнинг вақтида етиб келмагани туфайли юз берди.

Қийинчиликлар бор, бундан кейин ҳам бўлади. Аммо муҳими — Ўзбекистон тараққиётининг, республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб боришининг пухта ўйлаб тузилган иқтисодий дастури бор, яқиндагина хомашё манбаигина бўлган мамлакатимиз сифат жиҳатидан янги бир босқичга ўтмоқда — рақобатбардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган мамлакатга айланмоқда.

Мисоллар керакми? Марҳамат! Бундан бир неча йил муқаддам пахта майдонлари 2 миллион 400 минг гектарни ташкил этар эди. Келаси йил эса бу кўрсаткич 1 миллион 450 минг гектарга тушади. Аммо, ялпи ҳосил олдинги даражада қолади. Пахтадан бўшаган ерлар фермерларга жамоа мулки қилиб берилади. Ўтган ўн йилликлар давомида одамлар ердан узоқлашиб қолган эдилар. Энди ердан фойдаланишнинг ҳадисини олишди, уларда мўмай даромад қилиш истаги ҳам пайдо бўлди. Нима, бу ёмонми?

Бошқа бир муҳим муаммо — ёрдамчи соҳаларни ривожлантиришни олайлик. Кейинги икки йилда қишлоқларни газлаштириш ҳамда ичимлик суви билан таъминлашга шу қадар кўп маблағ сарфландики, кўплаб беш йилликлар давомида бунча маблағ ажратилмаган эди. Бунинг натижаси ҳам тезда кўзга ташланди. Ҳозир республика харитасига қарасангиз, унда газ, водопровод келтирилмаган, асфальт йўл қурилмаган қишлоқни топишингиз қийин...

**— Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоевнинг Алматида бўлиб ўтган яқиндаги учрашуви ҳамда ундан кейин Россия ва Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Москвадаги музокаралари жуда кўп масалаларни ойдинлаштирди. Асосий хулоса — Ўзбекистон рубль зонасида қолиб, Россия ва Қозоғистон билан ўзаро фойдали мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қилади. Хўш, давлатнинг ўз манфаатлари нима бўлади?**

— Шу айтганларингизнинг ўзи Ўзбекистоннинг давлат манфаатларидир. Фақат лақмаларгина биз ўзимизни ўз маҳсулотимиз билан тўла таъминлай оламиз, дейиши мумкин. Бу — бўлмаган гап. Бизнинг иқтисодий имкониятларимиз катта, республикада қудратли саноат ва қишлоқ хўжалиги базаси яратилган, албатта. Аммо, ўз қобиғимизда ўралиб қолишимиз — ўтказилаётган барча ислоҳотларни барбод қилиш демакдир!

Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев Алматидаги сўнгги учрашувларида минтақа бозорини яратишга қарор қилдилар. Бу жуда тўғри қарор бўлди. Теппа-тенглик шароитида ишлашимиз мумкин экан, Қозоғистон жуда қимматга тушадиган кимё саноатини ривожлантириши шартми? Биз уларга кимё маҳсулотлари, пахта, ипак берамиз, улар бизга гўшт билан ғалла беради. Ёки Россияда яхши тараққий этган оғир саноат бўла туриб, Ўзбекистон бу соҳа учун катта сармоя ажратиши тўғри бўладими? Кооперация йўлидан бориш яхшироқ-ку. Бутун маърифатли дунёда шундай қилинади. Ҳозир сунъий иқтисодий андозалар яратишга, бошқаларга хос бўлган ишлар билан шуғулланишга йўл қўйиб бўлмайди. Дунё бозорида барча ўринлар тўлиб бўлган. У ерга кириш учун рақиблардан яхшироқ, самаралироқ, сифатлироқ ишлаш керак бўлади.

Бизда бундай имкониятлар бор. Ўзимизнинг сабзавот, меваларимизни олайлик. Ғарбий Европадаги йирик фирмаларнинг вакиллари қўшма корхоналар тузиш таклифи билан республикамизга деярли ҳар куни келиб туришибди. Чунки, бизнинг сабзавот ва меваларимиз сифати, экологик тозалиги (биз аллақачон минерал ўғитлардан фойдаланишдан воз кечганмиз) жиҳатидан бошқа мамлакатлардаги сабзавот ва мевалардан устун туради. Гап фақат уларни сифатли қайта ишлашда қолган. Биз мана шу масалалар устида ишлашимиз керак. Бу — катта даромад келтирибгина қолмай, минглаб қишлоқ одамларини иш билан таъминлашга ҳам имкон беради.

**— Исмоил Ҳакимович, биз бу суҳбатда Ўзбекистоннинг олтин, нефть, газ сингари бошқа бойликларига тўхталмадик. Булар алоҳида суҳбат мавзуси бўлади. Аммо, барчани ташвишлантираётган масала — кадрлар масаласига тўхтамасдан ўтиб бўлмайди. Мустақилликни қўлга киритишнинг дастлабки даврида кадрлар масаласида кўп тартибсизликлар юз бергани ҳаммага маълум...**

— Гапингизга қўшиламан. 1985 йилдан 1989 йилгача кўп энг яхши мутахассисларимиз қонунсиз тарзда жиноий жавобгарликка тортилган, қатағон қилинган эди. «Пахта иши» деб аталган жараёнда ҳам жуда кўп ходимларимиздан ажралганмиз. Натижада, ёшларнинг ҳали етилмаганлиги, қатағондан омон қолган эски ходимларнинг янги талабларга мос эмаслиги сабабли орада бироз бўшлиқ ҳосил бўлди. — Бу мустақилликнинг қарор топиши жараёнидаги табиий ҳолдир. Бу муаммо ҳозир тўла ҳал қилиниб бўлди. Энг муҳим бўғин — ўрта бўғиндаги малакали ходимлар шаклланиб етишди. Вақт ўтиши билан улар ҳокимиятнинг юқори поғоналарини ҳам эгаллашади. Бу — Ислом Каримов таъкидлайдиган меъёрий, мантиқий жараёндир.

**— Сўнгги саволим. Сиз билан якшанба оқшомида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Шу ўринда газетхонларни бир ҳол қизиқтириши мумкин: матбуот вакиллари билан учрашишга бошқа вақтингиз йўқмиди ёки иш услубингиз шундаймиди?**

— Йўқ, иш услубим бундай эмас. Аммо, иш ниҳоятда кўп. Сизга бир сирни очай: Президентимиз одатда сафарга чиққанида самолётдагина дам олади, холос. Бошқа пайтларда жуда қаттиқ ишлайди. Нима қиламиз, ҳозир ҳаёт, вазият шуни тақозо қилмоқда. Байрам куни Мустақиллик майдонига келинг, томоша қилиб, дам оламиз...

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КЕНГАШ

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Урганч шаҳар кенгаши Республика Президенти, партия Раиси Ислом Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисоласини ўқиб-ўрганиш, унда илгари сурилган хулосаларни омма ўртасида тарғиб этишга алоҳида эътибор бермоқда. Бу ерда ана шу рисолани тарғиб қилиш юзасидан ишлаб чиқилган режалар асосида меҳнат жамоалари ўртасида қизиқарли суҳбат ва мулоқотлар ўтказилмоқда.**

Яқинда шаҳардаги Қурбон ота Исмоилов номли вилоят марказий кутубхонасида ўтказилган илмий-амалий кенгаш ҳам Ислом Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» номли рисоласига бағишланди. Кенгашни шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Баҳодир Бобожонов очди. Қадриятимиз улуғланиб, қимматли йўл-йўриқлар ва хулосалар жамланган бу китоб ҳақида республика маданият жамғармасининг вилоят бўлими бошлиғи Комилжон Нуржонов маъруза қилди. Вилоят саломатлик ва меҳр-шафқат жамғармаси бошлиғи Л. Асқаров, партия ва меҳнат фахрийси Ф. Зокирова, кутубхона ходими Д. Матқурбонова, шаҳардаги тўққизинчи маҳалла қўмитаси аъзоси Очил Қурбонбоев ва бошқалар рисоланинг мафкуравий ва маънавий аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор этишди.

**(Ўз мухбиримиз).**

## Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

### „Биз ким, мулки Турон..."



### УРАН ТОПИЛДИ

**⊙ АЛМАТИ. Қозоғистон геологлари Кустанай вилоятида Курганга чегара жойда янги уран конини топдилар.**

Бу бойлик саноат аҳамиятига эга, деб ҳисобланмоқда. Лекин, мутахассислар фикрига кўра, ҳозирча у ишлаб чиқарилмайди. Қозоғистон ҳарбий мақсадларда уран ишлаб чиқаришга интилмайди, атом энергетикасини ривожлантириш ҳақида гапириш учун ҳали вақт эрта.

### ТУРКМАНБОШИ АРГЕНТИНА ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОНДА ГАПЛАШДИ

**⊙ АШГАБАТ. Туркманистоннинг халқаро алоқалари йил сайин ривожланиб бораяпти. Ўтган ҳафтада мамлакат Президенти Сафармурод Ниёзов Аргентина Президенти Менеманнинг Буэнос—Айресдаги қароргоҳига қўнғироқ қилиб, у билан иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги ҳақида суҳбатлашди.**

Маълумки, Туркманистонда Аргентинанинг элчихонаси муваффақиятли ишлаб турибди. Яқин орада Аргентинада эса Туркманистон элчихонаси очилишига ҳозирлик кўрилмоқда. Суҳбат чоғида туркманбоши океан ортидаги мамлакат президентини Туркманистонга расмий сафар билан келишга таклиф этди.

### МОЗОРИ ШАРИФДА КОНСУЛЛИК ОЧИЛАЯПТИ

**⊙ АШГАБАТ. Туркманистоннинг Афғонистоннинг шимолий вилоятларидаги корхоналар билан алоқаси кенгайиб бормоқда.**

Ана шунинг учун ҳам Мозори Шарифда Туркманистоннинг консуллик бўлимини очишга ҳозирлик кўрилмоқда. У иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришда бош-қош бўлиши билан бирга Туркманистон фуқароларининг у ердаги ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилади.

### ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ БАЙРАМИ

**⊙ АШГАБАТ. Туркманистон чегара қўшинлари ташкил этилганига бир йил бўлди.**

Мамлакат Президенти, армия генерали Сафармурод Ниёзов чегара қўшинлари ташкил этиш ҳақида чиқарган фармонининг бир йиллиги муносабати билан бу ерда тантанали тадбирлар бўлди. Дастлаб бу қўшинлар учун 11 офицер бўлган бўлса, яқинда уларнинг сафига яна 500 малакали ҳарбий мутахассис қўшилиши керак.

### ШАҲАР ГЕРБИ

**⊙ АЛМАТИ. Мустақил Қозоғистоннинг пойтахти Алмати шаҳрининг рамзий тамғасини яратиш учун бўлган ҳаракат бир йилдан ошиқ вақт давом этди.**

Танловда республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Алмати шаҳрининг бош рассоми Шакен Ниёзбеков тайёрлаган асар ғолиб деб топилди. У айни пайтда давлат байроғининг муаллифи ҳамдир. Шаҳар рамзи доира шаклида ишланган. У қозоқларнинг миллий ўтовлари рамзини эслатади. Унинг замирига бепоён, мовий осмоннинг тимсоли бўлган зангори ранг асос қилиб олинган. Гардиш ўртасида қоплоннинг расми ишланган. Бу танловга 60 асар олинган. Шаҳар кенгашининг кейинги сессиясида Ш. Ниёзбековнинг асари маъқул деб топилди.

### ҲАРБИЙЛАР ТУРКИЯДА ЎҚИШМОҚДА

**⊙ БИШКЕК. Қирғизистон Мудофаа ишлари давлат қўмитаси раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи М. Субанов Туркиянинг Қирғизистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М. Гокер ва ана шу давлатнинг ҳарбий ходими Я. Нежип билан учрашуви бўлиб ўтди.**

Унда Туркия томонининг қирғизистонлик ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ишларига тайёр эканлиги ва келгусида керакли ёрдам кўрсатиш ҳақидаги тайёрлиги қўллаб-қувватланди. Қирғизистонга ҳарбийларнинг либосларини тиктириш учун етарли ҳажмда материаллар тақдим этиш тўғрисидаги масала ҳам ишлаб чиқилмоқда.

### ҚИРҒИЗ АСКАРЛАРИ

**⊙ БИШКЕК. Майор Б. Қулманбетов командирлик қилаётган 254 қирғизистонлик ҳарбий хизматчи тожик-афғон чегарасидаги Ижқаршин чегара отрядида хизмат қила бошлади.**

Уларнинг сафида Россия чегарачилари ҳам бор.

### ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ ҚАРЗ БЕРАДИ

**⊙ АЛМАТИ. Халқаро валюта фонди Қозоғистонга 86 миллион доллар ҳажмида қарз беришга тайёр.**

Бу иш республикада амалга оширилаётган иқтисодий ва молиявий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

### НАРХ-НАВО ОШДИ

**⊙ АЛМАТИ. Қозоғистонда 10 августдан бошлаб авиация билетлари нархи ўрта ҳисобда 10—15 фоиз кўтарилди.**

Эндиликда Алматидан Москвага парвоз этиш учун 81 минг сўм, Санкт-Петербурггача 91 минг сўм пул тўлашга тўғри келади.

**(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).**

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

## • Байрам тараддуди

### КОРХОНА ТАШАББУСИ

**⊙ Ш. Рашидов номидаги Жиззах ип-йигирув фабрикаси меҳнат жамоасининг ташаббуси билан бошланган ва вилоят бўйлаб кенг қулоч ёйган мустақиллик шанбалиги 14 август куни Жиззах воҳасида катта шодиёнага айланди.**

Шу куни 210 мингдан зиёд кишилар ўз иш жойларида меҳнат қилдилар. Шаҳарлар ва қишлоқларда ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар. Мустақиллик байрамига ҳозирланаётган кўчалар, майдонлар, хиёбонларга оройиш ва сариштилик бахш этдилар. Шу куни вилоят саноат корхоналарида 77,5 миллион сўмлик, қурилиш майдонларида эса 14 миллион сўмлик иш бажарилди.

Вилоят ҳокимининг махсус ҳисобига шанбалик кунида ўтказилган 27 миллион 220 минг сўмлик маблағ байрам арафасида иқтисодий ночор оилаларга, қаровчисиз кексалар ва болаларга моддий ёрдам кўрсатишга ва бошқа хайрия тадбирларига сарфланиши мўлжалланаётир.

**Бахтиёр РИЗАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**





Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллик тўйи арафасида республикамиз пойтахтида катта ободончилик ва қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Тошкент байрам руҳига монанд кун сайин таниб бўлмас даражада ўзгариб бораяпти. Айниқса, «Туркистон» катта концерт залида «Усто» бирлашмаси ганч-ўймакорлари қизғин фаолият кўрсатмоқдалар.

Суратларда: «Туркистон» катта концерт залининг ички кўриниши (юқорида); ўймакор усталар Ш. Абдуллаев ва О. Зокиров (ўртада); концерт залининг ташқи қиёфаси. (пастда).

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**



## • Иқтисодий ислоҳотнинг илк нишоналари

# РАҚОБАТ—ТАРАҚҚИЁТГА МАДАД

**Умр — карвондир, у ўтиб бораверади, деган ҳикмат бор. Мана, мустақиллик туфайли мамлакатимиз вилоятларида иқтисодиётни яхшилашга онд қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Сир эмаски, иқтисодиётни бошқаришнинг муайян тизимлари ишлаб чиқилиб, турмушга татбиқ этилгани илк мевалар бера бошлади.**

Ғиждувон пойабзал фабрикаси — тумандаги энг кенжа саноат корхоналаридан биридир. Бундан уч йил олдин фабрика қурилиши бошланганида туман меҳнаткашлари энди ёлчиймиз, пойабзал ахтариб Бухоро, Навоий шаҳарларига бормаймиз, деган фикрга келгандилар. Хўш, аслида шундай бўлдими?

Фабрика маҳсулот бера бошлаган 1989 йилнинг охирги чорагида нарх-наво меъёрида эди. Ҳар ҳолда кўп болали оилалар пойабзалдан ёлчиб тургандилар. Лекин тарих ғилдираги бозор иқтисодиёти томон бурилди. Корхона инқироз сари кетаётганлиги, кишиларнинг бир қисми ишсиз қолиши мумкинлиги аён бўлди. Шунда корхонанинг олдинги раҳбарлари ҳамма айбни хом ашё етказиб беришдаги узилишларга тўнкадилар. Ишчи ўринларини қисқартиришга зўр бердилар. Бу, санамай саккиз дейиш эди. Бу йўл аҳоли турмушини яхшилашга хизмат қилмасди, албатта.

Йил йилга ўхшамас. Ҳозир корхонага Бухоро пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаган Ортиқ Аслонов раҳбар этиб тайинланди. Янги раҳбар олдида эса долзарб муаммолар турарди.

— Ғиждувондек шаҳарда республикада болалар пойабзали ишлаб чиқарадиган корхона кераклиги бундан олдин ҳам бир неча бор таъкидланган, — дейди фабрика директори Ортиқ Аслонов. — Шу боисдан бу ерда ишсизликни бартараф этиш учун корхона қуришга жазм қилинган. Яна бир томони Ғиждувон шаҳрида бу тармоқнинг тадбиркорлари талайгина. Маҳаллий усталар тажрибаси бутун республикага маълум.

Муваффақият ўз-ўзидан юзага келмайди, албатта. Корхона ишга туширилган дастлабки йилда у ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳажми ўша давр талаби даражасида белгиланган. Бу анъана ҳозиргача давом этиб келяпти. Бунда асосан хом ашё билан таъминланиш кўзда тутилганди.

Корхона бош муҳандиси Элмурод Нуровнинг таъбирича, Ғиждувонда хом ашё етарли бўлса, ойига бемалол 45 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш мумкин. Афсуски, Самарқанд, Қўқон кўн заводлари етарли миқдорда маҳсулот етказиб бермаяптилар. Бу дард устига чинқон бўлаётир.

Ҳар ҳолда корхона раҳбарияти эски алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Россия шаҳарлари билан алоқа мустаҳкамланяпти. Шу боисдан кейинги ойларга маҳсулот ишлаб чиқариш турлари кўпайиб 8 хилга етди. Аммо болалар пойабзалларининг нархи чегараланган. Шунга кўра, бундай маҳсулотларга бўлган талаб ошяпти. Корхона жамоаси эса тадбир кўряпти. Улардан энг муҳими, асосий эътибор Ғиждувон болаларини оёқ кийим билан таъминлашга қаратилганидир. Шу йилнинг ўтган ойлари давомда 90 минг жуфтдан зиёд пойабзал туман аҳолисига сотилди.

Рақобатлашув бўлмаган жойда силжиш, тараққиёт бўлмайди. Буни корхона жамоаси жуда яхши билади. Шу йўл қолоқликдан чиқиш, сифатни яхшилаш, маҳсулот тайёрлаш ҳажмларини кўпайтириш имконини бермоқда. Директорнинг таъкидлашича, йил охирига қадар пойабзал фабрикаси республика миқёсига кўтарилади. Бунинг учун корхонада ҳамма шароит мавжуд.

Бу ерда ишчиларнинг касб маҳорати етарли, мутахассислар малакали, Бозор иқтисодиёти қийинчиликларини бартараф эта оладиган зарур тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бинобарин, ишчиларга меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Маҳсулотнинг сифатли бўлиши учун нимаики зарур бўлса, ҳамма чоралар кўрилмоқда.

Йилни 700 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш билан якунлаш — корхона меҳнат аҳлининг аҳду қарори. Бунга уларнинг кўзлари етади.

**Даврон БАҲРОНОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

## • Янги нашрлар

# МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ

**Тарихимизнинг бизга ҳозиргача номаълум саҳифаларини чуқурроқ, холисона ва одилона ўрганиш имконига эга бўлганимизга шукур. Мустақиллик шарофати туфайли она юртимиз тарихини, маданий мерос ва миллий қадриятимизни ўзимиз баҳолайдиган бўлдик. Бу ўтмишни холисона ёритиш йўлигина эмас, балки истиқлол, келажак авлодлар олдидаги буюк масъулият ҳамдир. Тарих ҳақиқатини тиклаш ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим омилларидан биридир.**




Таниқли олим Исломжон Турсуновнинг «Истиқлолга интилган қалблар нидоси» номли рисоласи яқин ўтмишимиз тарихини холисона ёритиш борасидаги муҳим қадамлардан биридир. Асар чуқур билим, эътиқод ва ватанпарварлик руҳида ёзилган бўлиб, униг ҳар бир саҳифасини ҳаяжонланмасдан ўқиш мумкин эмас.

Биз шу вақтга қадар қатағонга учраган йирик давлат арбоблари, таниқли олимлар, ёзувчиларнинг тақдирини ўрганиш билан чекланиб қолдик. Ҳолбуки, булар орасида халқ маорифи ва маданиятимизнинг минглаб фидойилари ҳам бор эди. Уларни йўқ қилиш, қўрқитиш сиёсати ёшларни миллий маънавиятдан маҳрум бўлган манқуртлар сифатида тарбиялаш мақсадлари билан боғлангани ҳеч кимга сир эмас.

И. Турсунов ўз асарида қатағонлик сиёсати қурбони бўлган, ўз бошидан кўплаб азоб-уқубатларни кечирган халқ маорифи ходимларининг тақдирини ёритиб берган. Бу ўринда муаллиф архив материалларидан, қатағон давридаги воқеаларнинг гувоҳи бўлган кишиларнинг хотираларидан кенг фойдаланган. Бу эса асарни ниҳоятда қимматли ва асосли фактлар билан бойитишга имкон берган. Таъбир жоиз бўлса, бу асар қатағон даврлари қурбони бўлган халқ маорифи фидойилари хотирасига қўйилган катта ҳайкалдир.

Асарда тилга олинган, фаолияти чуқур ёритилган маърифат фидойилари қаторига Абдураҳим Йўлдошев, Қаюмхўжа Алиев, Зиё Саид, Қаюм Рамазонов, Абдурауф Фитрат, Носир Саидов, Шоҳид Эсон Мусаев, Наимжон Саидов, Раҳмат Раҳимбоев, Ғози Олим Юнусов, Отажон Ҳошим, Санжар Сиддиқ, Мажид Қодирий, Мир Хўжаев, Ботир Ғуломов, Фахриддин Алимов, Абдужаббор Назарқулов, Салимхон Тиллахонов, А. Саҳибоев, Маннон Рамзий, Собир Қодиров ва бошқалар кирган. Миллатнинг маданий камолоти ва порлоқ истиқлоли учун кураши йўлида фаол иштирок этиб, ўлим жазосига ҳукм этилганлар ичида маърифат фидойиларидан Мунаввар Қори Абдурашидов, Абдураҳим Йўлдошев, Ғулом Каримов, Мирхалил Каримов, Асадулла Хўжанов, Абдуллабек Мусабеков, Нажмиддин Шораҳмедовлар бўлган.

Ўзбекистон халқ маорифи равнақи йўлида ўчмас из қолдирган Абдураҳим Йўлдошевнинг фаолияти ҳақидаги янги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. А. Йўлдошев биринчилар қаторида туриб «Алифбони қандай ўқитиш керак?», «Чаласавод мактаблар учун ўзбек тили грамматикаси», «Шаҳар ва қишлоқ мактаблари учун алифбе», «Алифбо», «Ўқиш китоби», «Наҳа», «Синтаксис», «Ўзбек тили дарслиги» сингари кўплаб дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ёзди. Бу китоблар мустамлакачилик зулми натижасида қолоқликка маҳкум этилган миллатнинг маънавий камолотини тезлатиш йўлида хизмат қилиши лозим эди. Бу китобларда миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, бошқа бирор миллатни камситишдан асар ҳам бўлмасада, улар миллатчилик ғояларини тарғиб этувчи асарлар сифатида талқин этилиб, йўқ қилиб юборилди.

Қатағон йилларида миллатпарварликнинг ҳар қандай кўриниши ҳам миллатчилик, деб баҳоланди. Байналмилалчилик эса рус бўлмаган миллатларнинг тарихини сохталаштиришни, маданияти ва миллий қадриятларини камситишни, иқтисодий ҳаётини марказга қарамлик ҳолатида сақлаб туришни, миллий онгнинг ўсишига йўл бермасликка қаратилган сиёсатни кўзни юмиб, кўкларга кўтариб мақташни билдирар эди. Шу маънода талқин этилган байналмилалчилик миллат манфаатларига хиёнат қилишдан иборат бўлиб, миллатпарварликнинг тескариси эди.

Миллатпарварлиги, ўз халқининг қисматига ачинган, уни истиқлол йўлига бошлашга интилгани учун ашаддий миллатчи, шўро тузумининг душмани сифатида айбланган маърифат фидойиларидан яна бири Қаюмхўжа Алиев эди. У миллий маданият тарихи, миллий педагогика, таълим-тарбия услубларини чуқур эгаллаган етук ўзбек зиёлиларидан бири эди. Қ. Алиев таълим-тарбия ишида миллийликка эътибор бериш, бу борадаги миллий анъаналарга асосланиб иш юритиш, ёшларни маҳаллий халқларнинг ажойиб, инсонпарварлик ва меҳнатсеварлик билан боғлиқ бўлган ахлоқий қадриятлари руҳида тарбиялаш масалаларига эътибор берди.

**Э. ЮСУПОВ.**

